Тошкент ҳақиқати

№ 17 (10.443).

1993 йил 9 февраль сешанба

Нархи 5 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎҚУВЧИ ЁШЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўқувчиларнинг истеъдодларини намоён этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, уларда мустақил Ўзбекистон фуқаросининг юксак маънавий фазилатларини шакллантиришга муҳим аҳамият бериб:

1. Охирги йил ўқиётган талабалар ва аспирантлар— бутун ўқиш давридаги аълочилар ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётганлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари таъсис этилсин.

Бу стипендиялар сони қуйидагича белгилансин: талабалар учун ҳар бир талабанинг ўртача стипендияси миқдоридан уч карра кўп бўлган 10 та; аспирантлар учун — ҳар бир аспирант стипендияси миқдоридан икки карра кўп бўлган 5 та.

2. Улгуриши аъло даражада бўлган, ижодий ишда қатнашадиган учинчи ва ундан юқори курсларнинг талабалари учун қуйидаги давлат стипендиялари таъсис этилсин: техника факультетлари учун — Беруний номида, тиббиёт факультетлари учун — Ибн Сино номида, гуманитар факультетлар учун — Навоий номида, табиий факультетлар учун — Улуғбек номида.

Стипендиялар сони таълим йўналишлари бўйича юқори курсларнинг ҳар минг нафар талабасига икки карра кўп миқдордаги битта стипендия ҳисобидан белгилансин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий аттестация комиссияси 20 кун муддат ичида талабаларга давлат стипендияларини бериш тўғрисидаги низом ва тартибни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига тақдим этсинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, давлат стипендияларини олувчи талабаларга тегишли кўкрак нишонлари ва гувоҳномалар берилади. Улар олий ўқув юртини тамомлаганларидан кейин кириш имтиҳонларисиз аспирантурага қабул қилинадилар ҳамда ёш мутахассислар қатори малака ошириш ва ўқишни давом эттириш учун чет элларга юбориш чоғида устунликка эга бўладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ва Давлат спорт қўмитаси:

— мактаб ёшлари ўртасида вақти-вақти билан турли республика мусобақаларини ўтказсинлар, ёшларнинг халқаро мусобақаларда фаол иштирок этишларига бутун чоралар билан кўмаклашсинлар;

— 20 кунлик муддат ичида мактаб ўқувчилари ўртасида республика олимпиадалари, конкурслари ва мусобақаларини ўтказишнинг низоми ва тартибини ишлаб чиқсинлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига тақдим этсинлар.

6. Олимпиадалар, конкурслар ва мусобақаларнинг ғолибларига қуйидаги пул мукофотлари:

— I—V ўринларни олган ғолибларга талаба стипендияси миқдорининг ўн каррадан олти каррагача кўп бўлган халқаро мукофотлар;

— I—II—III ўринларни олган ғолибларга талаба стипендиясининг уч-икки-бир карра кўп бўлган республика мукофотлари белгилансин.

7. Белгилаб қўйилсинки, халқаро ва республика мусобақаларининг ғолиблари бўлган битирувчи синфларнинг ўқувчилари олий ўқув юртларининг биринчи курсларига кириш имтиҳонларисиз, тест синовидан ўтказилмай қабул қилинадилар ва хорижий мамлакатларнинг ўқув юртларига юбориладиган гуруҳларга қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1993 йилдан бошлаб ҳар йили ана шу мақсадлар учун зарур маблағлар ажратишни кўзда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар:

— 1993 йилнинг 1 мартидан ушбу Фармонда қайд этилмаган давлат стипендияларини бекор қилсинлар;

— уларга белгиланган стипендия жамғармаси доирасида олий ўқув юртларининг тақдимномаларига кўра ва Вазирлар маҳкамаси билан келишиб, Ўзбекистоннинг ақлий ва маънавий салоҳиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган атоқли фан ва маданият арбобларига шарафига бир ярим баробар ҳажмли махсус стипендиялар таъсис этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 20 кунлик муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга доир қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 5 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН ТАЛАБАЛАРНИ ТЕСТ УСУЛИДА САРАЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари кундузги бўлимларига қабул қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1992 йилда талабаларни тест усулида қабул қилишнинг ижобий якунларини эътиборга олиб, олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг тавсияларини ва кенг жамоатчиликнинг истакларини назарда тутиб, Вазирлар маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1993 йилда барча давлат олий ўқув юртлари, шунингдек республикадаги рухсатномаси бўлган барча таълим шаклидаги олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усули билан саралаб олиш жорий этилсин.

2. Тест усули билан саралаш олий ўқув юртларига талабаларни танлаб олиш республика маркази зиммасига юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Бир ой муддатда республика маркази билан биргаликда олий ўқув юртларининг биринчи курсларига талабалар қабул қилиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва уни тасдиқлаш учун давлат комиссиясига тақдим этсин. низомга тест синовлари билан биргаликда кўп балли тизим асосида ўтказиладиган халқаро, ижодий, адабий-бадиий ва спорт йўналишларидаги қўшимча имтиҳонлар рўйхати белгилаб қўйилсин;

1992-93 ўқув йилида Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 9 апрелдаги 181-сонли қарорида кўрсатилган 19 та олий ўқув юртида, қолганларида эса 1993-94 ўқув йилидан бошлаб талабаларнинг жорий ўзлаштиришларини синаш учун тест усуллари қўлланилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, олий ўқув юртларининг ректорлари тест усулида синаш учун барча зарур шарт-шароитларни таъминласинлар, қўлажак талабаларга маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат истиқболни аниқлаш ва ҳисоб комитети 1993 йилда тест ўтказиш республика маркази талабномасига мувофиқ хорижий ускуналарни сотиб олишга ва кундалик харажатларга валюта фондидан 3 миллион АҚШ доллари ажратсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган тартибда сўм билан қоплашини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги республика маркази учун техникавий воситаларни етказиб берсин.

6. Синовларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни бажариш учун:

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитети тест материалларини уларнинг сифати, безатилиши ва муддатларига қўйилган талабларни ҳисобга олиб, нашр этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тест усули билан синаш жойларида тест материаллари сақланишини ва жамоат тартибини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тест материалларини жойларга келтирилишини, сақланишини ва уларнинг маҳфийлигини таъминласин;

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тест усулида синаш материаллари ва уни кузатиб борувчиларини жойларга етказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компанияси аҳоли кенг доиралари орасида олий ўқув юртларига кириш чоғида холислик ва адолатни таъминлашда тест усули билан синашнинг аҳамиятини мунтазам тушунтириб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзбекшартномасавдо» мазкур мақсадларга зарур маблағ ва ресурслар ажратсин.

8. Олий ўқув юртларига талабаларни қабул қиладиган давлат комиссияси тест билан синаш тажрибасини умумлаштириб, уни янада такомиллаштириш юзасидан 1993 йилнинг октябрида Вазирлар маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Республика марказига Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги 337-сонли ва 1992 йил 8 октябрдаги 465-сонли қарорларида кўзда тутилган имтиёзлар берилсин.

10. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М. Қ. Қорабоевга юклатилсин.

Вазирлар маҳкамасининг раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 5 февраль.

ҲУРМАТ ВА ЭЪТИҚОД РАМЗИ

ҚИБРАЙЛИК радиокиномеханик, иккинчи гуруҳ меҳнат ногирони Николай Павлович Шадрин ҳар қандай киши эътиборга лойиқ тадбиркор четда қолмайдиган ажойиб инсон сифатида вилоятимиз аҳолисига яхши таниш. Айниқса, у ногирон, ҳеч кими йўқ, кўмакка муҳтож кишиларга кўрсатаётган ўзининг саховати ва ёрдами билан ном таратган десак, муболаға бўлмайди. Чунки у ўзини ўзбек замининнинг фарзанди деб билади ва жаннатмакон бу диёрда ёрдамга муҳтожлар бўлмаслигини жуда-жуда истайди.

Кунн кеча Шадринлар онласида яна бир қувончли воқеа юз берди.

Ўтган жумъа куни Қибрай районидаги Уйқўрғон жомеъ масжидида намоздан сўнг онласи байналмилал, миллати рус бўлган Николай Шадрин дунёдаги энг маърифатпарвар, зиё тарқатувчи, инсонларни одамийлик, дўстлик ва тинчликка чорловчи — ислом динига қабул қилинди. Қабул маросимида салорлик ва уйқўрғонлик диндорлар ҳамда аҳоли вакиллари қатнашдилар.

Маълумки, истиқлолга юз тутган, ўзининг тараққиёт йўлини холисона белгилаб олган Ўзбекистонда виждон эркинлиги ва хоҳлаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқи бош Қомусимиз — республика Конституциясида белгилаб қўйилган. Шунингдек, қомусда диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Николай Шадринни ҳам ҳеч ким асло мажбурлагани йўқ. У ўз хоҳиши, истаги билан Ислом динига эътиқод қўйишни — мусулмонликка ўтишни виждон бурчи деб билди.

Сал аввалроқ у бу ҳақда Моровроуннаҳр динин бошқармасининг нашри — «Ислом нури» газетасига баён қилган эди. Унинг истагини ўрганиш Уйқўрғон жомеъ масжидининг имом-хатиби Абдулла хожи Жамолиддин ҳожи ўғлидан илтимос қилинди. Имом-хатибнинг яқиндан берган кўмаги туфайли Шадрин ислом динининг барча фарз ва аҳкомларини ўрганди.

Николай Павлович ислом динига эътиқод бошлаган кундан эътиборан ўз исмини ҳам ўзгартирди. У бу ҳақда мутасадди ташкилотларга мурожаат этиб, ўз истагини ижобий ҳал этишни, илтимосини қондиришни сўраган эди. Унинг эндиликдаги исми-шарифи Ислом Шадрин деб юритилади.

— Қадимдан доно халқ ҳисобланган шарқликларнинг янги туғилган чақалоққа исм танлашга жиддий эътибор бериши бежиз эмас экан,— дейди Шадрин.— Чунки, исм ўтмиш ва келажакнинг чамбарчас боғлиқлигини кўрсатувчи белгидир. Шу боисдан мен ўз исмимни Ислом деб ўзгартиришни лозим топдим. Қолаверса, бу она-юртимизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилашда ҳамда унинг равнақига муносиб ҳисса қўшишдаги орзу-умидим ижоботи бўлади. Иккинчидан эса менинг миллатимдан қатъий назар яхши-ёмон кунларда ўзбеклар билан бирга яшаб, бир-биримизнинг дардимизга шерик бўлиб келганмиз. Бир ариқдан сув ичиб, бир қозондан овқат еганмиз...

Дарҳақиқат, Ислом Шадринининг таъкидлашича, бу ўзгаришларнинг ҳаммаси қариб эллик йилдирки, яшаб, баҳоли қудрат меҳнат қилиб келаётган Ўзбекистон тупроғига, унинг дўст халқига улуғ ҳурмат рамзидир.

Х. ШАФОАТОВ.

НАЖОТ ПОЕЗДИ

Ҳақиқий дўст бошга кулфат тушганида билинади, дейди халқимиз. Орол фожиаси туфайли оғир шароитда кун кечираётган Қорақалпоғистон аҳолисига ёрдам кўрсатиш мақсадида «Экосан» поезди Хўжайлига етиб келди.

Экологик офат ҳудудига кирувчи Оролбўйи минтақасида болалар ўлими даражаси, юқумли ва бошқа касалликларга чалиниш республиканинг қолган вилоятларидагига нисбатан анча кўп экани сир эмас.

— «Экосан»нинг Оролбўйи ўлкасига келишидан кўзда тутилган асосий мақсад, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакили И. Исмоилов,— қорақалпоғистонликларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишдир. Биз икки ҳафта мобайнида Хўжайли ва Қўнғирот туманларида бўлиб, атроф-муҳитнинг инсон саломатлигига таъсирини ҳам ўрганамиз.

(ЎзА).

ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК

Тошкентда Марказий Осиё халқлари бадиий ижодини ривожлантириш, сақлаш ва ўзаро бойитиш муаммолари бўйича кенгаш муаммолари бўйича кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон маданият ишлари вазирликлари халқ ижодиёти илмий услубий марказларининг ҳамда маданий-маърифий муассасаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Учрашув қатнашчиларининг фикрича илдизлари муштарак бўлган қўшни халқларнинг ижодини ўрганиш ва оммалаштириш ўз маданиятини яхшироқ англаб олишга, шарқ халқларининг ўзига хос санъатини замондошларимизга етказишга, бу санъатни янги босқичда қайтадан ишлашга имкон беради. Шу мақсадда илмий услубий марказлар директорларининг республикаларо кенгаши тузилди. Кенгаш ҳар йили Марказий Осиё давлатларидан бирида мажлис ўтказади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг энг кам миқдори оширилганлиги муносабати билан ва меҳнаткашларнинг истакларини ҳисобга олиб, Вазирлар маҳкамаси шу йил 1 февралдан бошлаб қайд этиб қўйилган даромадларга купонлар бериш миқдорини аниқлашнинг янги табақалаштирилган жадвалини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг иловасига мувофиқ 1993 йилда қайд этилган даромадларга купонлар бериш миқдорини аниқлашнинг қуйидаги жадвали тасдиқланди:

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқа қайд этилган даромадлар миқдори (солиқлар ва ушлаб қолинадиган қисмидан ташқари)	Бериладиган купон миқдори
2500 сўмгача	1250
2501 сўмдан 5000 сўмгача	1250 плюс 2500 сўмдан ортиқ миқдорнинг 20 фоизи
5001 сўмдан 10000 сўмгача	1750 плюс 5000 сўмдан ортиқ миқдорнинг 10 фоизи
10001 сўм ва ундан кўп бўлганда:	2250 плюс 10000 сўмдан ортиқ миқдорнинг 5 фоизи

Белгиланган янги жадвал бериладиган купон миқдорини ўртача 1,5 баравар оширишни кўзда тутади.

Масалан, эски жадвалга мувофиқ ходим қайд этилган 5 минг сўм даромадга 1150 купон олган бўлса, янги жадвалга мувофиқ 1750 купон, 10 минг сўм даромадга илгари 1280 купон олган бўлса, энди 2250 купон олади.

Аҳолининг бошқа табақалари учун ҳам купонлар шу тарика кўпаяди.

Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон ҳудудидаги мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар тегишли банк муассасаларига 1993 йил 8 февралга қадар зарур купон миқдорига талабнома беришга, ходимларга, пенсионерларга, талабаларга ҳамда фуқароларнинг бошқа тоифаларига шу йил февраль ойи учун купонларни 1993 йилнинг 10 февралига қадар беришни таъминлашга мажбурдирлар.

САВОБЛИ ТАДБИР

ОҲАНГАРОНдаги Дўстилла Шукуров раҳбарлик қилаётган умумий овқатланиш комбинатининг мутахассислари кўрган тадбирлар натижасида бу корхонага қарашли ошхоналардаги овқатлар ҳозирги нархларидан 7—8 сўм арзонлашадиган бўлди. Овқатларни арзонлаштиришдан келадиган зарар эса кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, айрим ошхоналарда хўрандаларни ўз-ўзига хизмат қилишини жорий этиш, шунингдек айрим лавозимларни қисқартириш ҳисобига қопланадиган бўлди.

Умумий овқатланиш ошхонасидан бир кишилик паловни 20 сўм 73 тийин, бошқа суюқ овқатларни эса 15—17 сўмга сотиб олиш мумкин.

М. ҚАЮМОВ.

• Бир хўжалик хабарлари

ИШ ҚУРОЛИ СОЗЛАНДИ

● ҚИШНИНГ охирги ойи ҳам тугалланмоқда. Деҳқонлар янги мавсум тараддудини кўра бошладилар. Мавсумнинг уюшқоқлик билан бошланиши ва дала ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши мавжуд техникаларнинг қандай созланганлигига ҳам боғлиқдир. Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли давлат хўжалиги деҳқонлари бу соҳада масъулиятни чуқур ҳис қилмоқдалар. Хўжаликда таъмирловчилардан иборат махсус гуруҳлар тузилди. Улар ҳайдов, ғалла экиш тракторлари ва бошқа техникаларни синчиклаб кўздан кечирдилар. Қай тартибда ремонт қилиш, бунинг учун қандай эҳтиёт қисмлар зарурлиги белгилаб чиқилди. Шундай қилиб, ишлар бошлаб юборилди. Хўжалик маъмурияти таъмирловчиларнинг иссиқсовуғидан хабар олиб турабошлади. Натижада иш унумли бўлди. Ҳозирги кунга қадар мавжуд тўртта ҳайдов тракторн, тўртта ғалла экиш агрегати, 3 та мола, картошка экишда ишлатиладиган иккита агрегат, шунингдек, тиркагичлар, культиваторларни созлаш ниҳоясига етай деб қолди. Бунда механизаторлардан Қўлдош Мадиёров, Ўктам Йўлдошев, Жўра Кўмбоев, Ҳамид Холматовлар ўрнак кўрсатдилар. Улар айни кунларда чорвачилик фермаларидан далаларга ўғит ташиб чиқаришда ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

● ЧИРЧИҚДАГИ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аммиак селитраси цехидаги жараёнлар тўла автоматлашган. Уларни ишчилар пультдан турриб бошқарадилар. Чапдаги суратда цех бошлиғи Шаҳриёр Авазовни оператор Насиба Болтабоевага навбатдаги топшириқни бераётган вақтда кўриб турибсиз.

Д. Аҳмад олган сурат.

● ТОШКЕНТДАГИ «Учқун» тўқимачилик-баққолчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида хотин-қизлар колготкаларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунинг учун махсус цех қурилди. Цех жамоаси бир йилда 4 миллион дона шундай маҳсулот тайёрлайди. Бу яқин вақт ичида республикамиз истеъмол бозорини яна бир серталаб сифатли маҳсулот билан таъминлашни яхшилашга олиб келади. Суратда: бирлашманинг янги цехида.

Ф. Қурбонбоев сурати.
(ЎзА).

СОФ ДАРОМАД КЎПАЙДИ

● ТУРҒУН Эрназаров шу хўжаликнинг 4-бўлимида 3 йилдан буён ижарачи бўлиб ишлайди. Оз меҳнат сарф қилиб, мўл ва сифатли ҳосил олиш учун ҳаракат қилади. Ҳар йили режасини уддалайди. Ўтган хўжалик йилида 1,5 гектар ерга карам, 0,80 гектар ерга картошка, ярим гектар ерга помидор экди, ишловни оби-тобида ўтказди. Айниқса, маҳаллий ўғитдан фойдаланишга катта аҳамият берди. Натижада гектарларда кўчатлар тўла сақланди, яхши ривожланди, мўл ҳосил тўпланди. Ҳосилни йиғиб-териб олиш ўз вақтида ўтказилди. Ҳисоб-китоб қилишганида 27 тонна карам, 6 тонна картошка, 12 тоннадан ортиқ помидор олинганлиги маълум бўлди. Соф даромад 18 минг сўмга етди.

Биз ижарачи билан суҳбатлашдик.

— Ютуғимизда ҳеч қандай сир йўқ,— деди у.—Ерга меҳр қўйиб ишлаяпмиз. Алмашлаб экиш ҳам бизга катта наф бераяпти. Айниқса, маҳаллий ўғитдан режа асосида фойдаланиш юқори ҳосил гарови бўлаяпти.

Шу кунларда ижарачи деҳқонлар янги мавсум тадбирларини ҳам уюшқоқлик билан амалга оширмоқдалар.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

Алишер Навоий таваллудининг 552 йиллигига

«Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлинг бир-бирингизгаки эрур ёрлиғ иш». *Алишер НАВОИЙ.*

Қадимги Шарқ миниатюраси услубида маҳорат билан яратилган Ҳусайн Байқаро сиймоси не-не тўфонлардан ўтиб, қўлимизга теккан. Бу тасвирга Байқаро нигоҳи тушган десак мубоғалаға бўлмас. Чунки бу суратни Навоий таклифи асосида рассом чизган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Не бўлганда ҳам бизга беш аср қаъридан Байқаронинг ҳаётлигида яратилган сиймоси етиб келган.

Асарга назар ташлаймиз. Унда чўкка тушиб ўтирган, нигоҳлари ўткир, шоҳона либосларга бурканган Ҳусайн Байқаро сиймоси қайтарилмас бўёқларда тасвирланган. Дарвоқе, бу сиймога кўз югуртириб, ҳаёлимиздан қуйидагилар ўтди.

Хуросонда 1469 йилда қарор топган Ҳусайн Байқаро ҳокимияти Темурийлар авлодининг мустаҳкам ва обрўли давлатларидан бўлди. Унинг чегаралари Шарқда Балх, ғарбда Бистон ва Домғон, шимоли — Хоразм, жануби — Қандаҳор ва Сейистондан ташкил топган эди.

Бу даврда Навоий олдида икки йўл: узлатга чекиниш ёки «Бир муносиб йўлбошчи» билан ҳақиқат ва адолат учун курашиш турар эди. Навоий худди шу йўлни танлади. Байқаронинг ҳокимият тепасига чиққанидан хурсанд бўлган Навоий «Ҳилолия» қасидасини ёзади. Айни пайтда, Ҳусайн Байқаро ҳам дўсти Алишер Навоийни саройга келишга уидаб, «давлат маншури» — таклифнома юборади. Шулардан кейин Навоийнинг кўнгли анча тинчиб, олдин ўзида пайдо бўлган, анча вақт уни қийнаган узлатга чекиниш фикридан тамомила воз кечади ва бундан кейинги ҳаётини халқига бағишлайди.

Аввал Байқаро Навоийни муҳрдор, кейинчалик буюк амир этиб тайинлади. У бу вазифада ишлар экан, кўпроқ оддий халқ манфаатларини кўзлаб иш юритади. Халқни таловчи золим амалдорларни жазолайди, турли урушларнинг олдини олади. Халқ учун кўплаб зарур — «Ихлосия», «Ҳалосия», «Шифоия», «Низомия» каби иншоотлар қурдиради. Истеъдодли кишиларни ўз атрофига тўплаб уларга ҳомийлик кўрсатади. Улар орасида Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Султон али Машҳадий, Абдужамил Котиб, Камолиддин Беҳзод ва бошқалар бор эди.

Навоийнинг халқпарвар ва адолатпарварлиги ҳақида Хондамир ўзининг «Макорим ул ахлоқ» асарида шундай ёзган: «Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал»,— деган сўзларга амал қилиб амирлик тахтини ва ҳукумат маснадини ўзининг муборак қадами билан зийнатлади ва жабр-жафо рақамларини даврон саҳифасидан маҳв қилиб, адолат ва инсоф эшикларини инсоният юзига очиб қўйди.

Албатта бундай хайрли ишларда дўсти Ҳусайн Байқаро Навоийни қўллаб-қувватлаб турди.

Бу ерда Ўзбекистон халқ рассоми Н. Қўзибоев яратган «Алишер Навоий ва Ҳусайн Байқаро» номли жозибали портрет ҳам бор. Асарда Навоий ва Байқаро ижод хусусида суҳбатлашиб ўтиришибди. Маълумки, Ҳусайн Байқаро «Девон»и бизда китоб ҳолида 1967 йили нашр этилган. Унда кўнгилни ром этувчи сеҳрли ғазаллар жамланган. Бу асарнинг чап томонида Навоий, ўнг томонида Байқаро сиймолари мойрона тасвирланган. Уларнинг кўзларидан чуқур ўйчанликни туйиш мумкин. Нигоҳларида эса сокинлик ва хотиржамлик ҳукмрон. Назаримизда Навоий янги ёзган ғазалини дўстининг ҳукмига ҳавола этаётгандек. Асарнинг иккинчи — орқа қисмида мафтункор табиат, гуллаган дов-дарахтлар, анвойи гуллар тасвири. Бу тасвирларга рамзий маъно юклангандек. Худди табиат билан инсон ўртасидаги доимий муштараклик, гўзаллик ва эзгуликка ошно эканлик. Дарҳақиқат, шоир ўқиётган ғазал ҳам эзгуликнинг мангулиги ҳақида.

«Навоий ва Байқаронинг сўнгги учрашуви» номли санъат асарининг муаллифи С. Муҳамедовдир. Бу асарда Байқаро кўксига бош қўйиб, ҳушидан кетган Навоий сиймоси тасвирланган. Атрофда амиру, амалдорлар, сарой аъёнлари саросимада. «Нима бўлди ўзи?»,— деб ҳайрон ҳолатда бир-бирларига назар ташлаб турибдилар.

Узлуксиз ижодий фаолият, ҳукумат ишлари ва халқ ташвишлари Навоий саломатлигига жиддий таъсир қилган эди. Унинг тани иссиғ, ҳаёли паришон эди. Уни бош оғриши, қўл титроғи тез-тез безовта қилаётган эди.

Совуқ қиш кунларидан бирида ўғли Муҳаммад Ҳусайн мирзога қарши қўшин тортиб, у ердан зафар билан қайтаётган Султон Ҳусайн Байқародан Навоийга чопар келади. Навоий дўстини кутиб олиш учун йўлга отланади. Кейинги воқеалар Хондамирнинг «Макорим ул ахлоқ» асарида шундай ёзилган: «У зотнинг муборак бошли айланиб қолди. Олийжаноб амир (Навоий) Хожа Шаҳобиддин Абдуллони ўз яқинига чақириб «Мени сақлашдан ғофил бўлманг, аҳволим ўзгариб қолди»,— деди. Шу пайтда аъло ҳазратнинг қўлини ўпишга етишмоқ учун отдан тушди... юришга мадор қолмаганликдан мазкур амир ва мавлоно Жалолиддин Қосим қўлтиқларига кириб, шу йўсинда илгари юриб, бошини баланд даражали подшо қучоғига қўя олди... Касаллик шиддати орта бормоқда эди. Натижада мазкур ойнинг ўн иккинчисида, якшанба куни (1501 йил, 3 январь)... боқийлик нақдини руҳ олувчига топширди».

Бу воқеадан бутун Ҳирот ва Хуросонни мотам босди. «Ҳирот ийдгоҳида жаноза ўқилди. Кейин ўзининг Масжиди Жомеи ёнидаги, илгаридан шу ҳодиса учун ясаб қўйилган гумбазга олиб келиб дафн қилдилар» (Хондамир). Подшоҳ Ҳусайн Байқаро дўсти Навоийнинг маъракасига ўзи бош-қош бўлиб турди. Ҳусайн Байқаро дўстининг ҳурмати юзасидан уч кунгача Навоийнинг уйида аза очиб мотам тутиб ўтирди.

Бу икки улуғ зотнинг бир умрлик дўстлигини фақат бевақт ўлимгина ажратди. Шу ўринда ҳаёлимизга Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммад хотирасига бағишлаб ёзган қуйидаги тўртлиги келди:

Эй, чарх, не даврларким этдинг,
Даврингда муҳаббат аҳлини маст этдинг,
Ҳар кимники, оламда забардаст этдинг,
Охир ажал илкида анни паст этдинг.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА СЎЗ

Алишер Навоий номли Давлат адабиёт музейида шундай кўргазмалар мавжудки, улар султон Ҳусайн Байқаро ҳақида бой маълумотлар беради. Зеро, ушбу ҳикоямиз ана шу йирик давлат арбоби ва шоир билан Алишер Навоий ўртасидаги эллик олти йиллик ҳақиқий дўстлик хусусида боради. Бироқ, ҳозирча кичик бир лирик чекиниш қилсак.

Йирик илмий анжуманлардан бирида устозимиз— Ўзбекистон байтул-ҳикматининг мухбир аъзоси, таниқли навойшунос олим Азизхон Қаюмов қизиқ ва эътиборли бир фикрни баён қилдилар:

«Алишер Навоий билан Ҳусайн Байқаронинг дўстлиги ёшликдан, то умларининг охиригача давом этган. Бу дўстлик беғараз, самимий бўлган. Улар ўртасида дўстликка раҳна соладиган жиддий муносабатлар рўй бермаган. Ишончли манбалар шундан далолат беради. Масалан, Алишер Навоийнинг туркийда битган шеърий қирқ икки минг беш юз ва «Хамса»ни ташкил этувчи эллик бир минг икки юз ўттиз мисрадаги бирон бир сатрида Ҳусайн Байқарони ёмонлаб ёзилган жой йўқ. Лекин айрим манба ва бадиий асарларда бу дўстликка путур етказувчи воқеалар келтирилади. Шундай ҳолларда биз кўпроқ ижодий фаразга эмас, балки соф илмий кузатишлар ва изланишларга суянмоғимиз лозим».

Ҳазрат Навоийнинг «Вақфийя» асарида ёзишича, у Ҳусайн Байқаро хизматида ва шоирнинг отаси Байқаронинг отаси хизматида бўлганлар. Бу оилавий яқинлик улардан олдинроқ давом этганлигига ҳам ишора бор. Демак, узоқ тарихлик оилавий яқинлик Алишер билан Ҳусайннинг ёшликдан бирга ўсиб, келажакда ҳақиқий дўст бўлишларига замин бўлган. Шу мақсадда музейдан ўрин олган М. Бобоев мўйқаламига мансуб «Алишер ва Ҳусайн мактабда» номли санъат асари диққатга моликдир. Асарда икки ёш олий насаб оилаларнинг фарзандлари таълим олаётган мактабда домлалари ёрдамида китоб мутолаа қилаётганликлари тасвир этилган.

Мактабдош талабалар орасида шеър ва нафосатни тўғри идрок эта олдиган Ҳусайн Алишерни ўзига жуда яқин тутар эди. Улар дарсларни бирга тайёрлашар, ўқиган китобларини муҳокама қилиб, доим бирга юрар эднлар. Кўп фурсат ўтмай улар қалин дўст бўлиб қолдилар. Бошқача қилиб айтганда, ёшликдан уларнинг юлдузи юлдузига тўғри келиб қолди. Таъкидлаганимиздек, мактабдан бошланган бу дўстлик бутун умр давом этди.

Алишер мактабда ўқиб юрган чоғларида форс-тожик адабиётининг машҳур намояндалари Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларини қизиқиш билан ўқиб, Фариддиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини эса бошдан охиригача ёдлаб олди. Бу асар ёш Алишернинг ҳиссиётларига кучли таъсир этиб, ота-онасини ташвишга солди. Ҳатто мактабдошлари унга истеҳзо билан қарай бошладилар. Чунки, Алишернинг қушлар ҳақидаги ҳикоялари болаларда шундай ҳолни юзага келтирган эди. Бу пайтларда Алишернинг ёнини олиб, уларга танбеҳ берган дўсти Ҳусайн эди.

Алишер мактабда ўқиш билан бирга Хожа Юсуф Бурҳондан мусиқа илмини ҳам ўрганди. У ўзининг «Мажолис уннафис» асарида ёзишича ўн-ўн икки ёшларида сабзаворлик кекса шоир Миршоҳий билан хат ёзишиб турган. У жуда эрта, саккиз-тўққиз ёшларидан шеър ёза бошлаган.

Алишер ўн уч-ўн тўрт ёшга етганида отаси Ғиёсиддин Баҳодиржон вафот этади. Етим қолган Алишерни Абулқосим Бобур саройга ишга олади. Саройда ҳам у Ҳусайн билан бирга хизматда бўлади. Айни замонда сабот билан ўз билимларини ошириб-боради.

Адабиёт ва санъат мухлислари эътиборини ўзига тортиб келаётган тарихий суратлардан бири — «Ҳусайн Байқаро» портретидир. Бу санъат асарининг муаллифи Шарқнинг Рафаэли деб ном олган, бу соҳада катта мактаб яратган, айни замонда Алишер Навоий ҳомийлигида баракали ижод этган, қалқалам соҳиби Камолиддин Беҳзоддир.

«САБЪАИ—САЙЁР»НИНГ САҲНАВИЙ ЖИЛОЛАРИ

АЛИШЕР Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони қарийб ярим асрдан бери драматург ва композиторларни, саҳна ижодкорларини ўзига жалб этиб келади. Достон асосида балет, опера, драма ва рақс томошаси яратилиб, муайян тажриба орттирилган.

Дастлаб «Сабъаи сайёр» негизида балет яратиш ғояси туғилган. Шу мақсадда 1945 йили қонли уруш тугаган заҳотиёқ Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги нуфузли сардори Усмон Юсупов шоир Камтарни, композитор М. Левиевни, рақс устаси В. Губскаяни таклиф қилади. Ижодкорлар руҳланиб, дарҳол ишга киришадилар. Камтар билан В. Губская «Сабъаи сайёр»даги етти ҳикоядан бири — Сухайл ва Меҳри ҳақидаги ривоятга тўхталиб, шу асосда либретто ёзадилар. М. Левиев мусиқа басталайди. Мусиқада севишган икки ёш қалб билан қароқчи Жобир бошлиқ қора гуруҳ ўртасидаги тўқнашув акс этади. Мусиқанинг оҳангдор бўлиши ва миллий жаранглашига алоҳида эътибор берилган. Тўрт пардали балет 1948 йилда Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида бир тажриба сифатида саҳналаштирилган. Саҳналаштирувчи В. Губская анъанавий ўзбек рақси усуллари ва ҳаракатларини балет қоидалари билан боғлашга ҳаракат қилади. Меҳри сиймосида Қундуз Миркаримова гавдаланади, Сухайл бўлиб Р. Тангуриев чиқади. В. Кабанов (Жобир), М. Халилова (Тўтиқиз), Н. Ҳикматов (Навдархон) каби санъаткорлар ҳам ўзига хос образлар яратадилар. Рассом Уста Мўмин, дирижёр Г. А. Дониях ҳам муносиб ҳисса қўшадилар. Қисқаси, ўзига хос мусиқий-рақсий романтик томоша майдонга келади. Премьераси 1948 йил 25 февралда бўлиб ўтган балет икки мавсум ўйналган.

1967 йилда А. Навоий таваллудининг 525 йиллиги шарофати билан «Сухайл ва Меҳри» балетини опера ва балет театрида саҳналаштириш фикри туғилади. Аввало либреттога ўзгаришлар киритилади: асосий ҳаракатга ҳалал берувчи 3-парда олиб ташланади. Сухайлнинг дўсти Одил образи кашф этилади, Жобирнинг айғоқчиси Тўтиқиз ижобий қаҳрамонга айлантирилади. Ушбу ўзгартиришлар ҳаракат суръатини кучайтиришга мўлжалланган. Композитор асарни қайта кўриб чиқаркан, увертюрани янгидан ёзилган муқаддима билан алмаштиради, Меҳри ва Сухайл образларини янада таъсирлироқ қилиб беради, яллалар қўшади. Тўтиқиз партиясини қайта ишлайди, Одил ва Тўтиқизга атаб адажио ёзади, бир қатор рақс мусиқаларини яратади. Саҳнага қўйиш иши А. В. Луначарский номидаги театр санъати институтининг дипломанти З. Оқиловага топширилади, отаси атоқли рақсшунос И. Оқилов унга маслаҳатчи ва кўмакчи бўлади. Рассом М. Мусаев, костюмлар бўйича мусаввир М. Ройтман, дирижёр Б. Иноятов балетининг яхши чиқишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Меҳри образи, унинг қисмати спектаклнинг марказини ишғол этган. Бу ролда Б. Қориева билан Н. Ёқубовлар ўйнаганлар. Шундан Бернора Қориева, гарчи, классик балет қоидаси бўйича оёқ учида туриб (пуант) ўйнаса-да, фарғона рақси унсурларидан (майин қўл ҳаракатлари, имо-ишоралар), ахлоқий ифодалардан (иболи ва нозли қарашлар, ўзини тузатиш, уялиш каби) яхшигина фойдаланган. Шу боисдан Меҳри миллий бадиий тимсол даражасига яқинлашган. Умуман олганда, Меҳри Б. Қориева ижросида жозибали, қайноқ, гоҳ нола, гоҳ исён, гоҳ умид туйғуларини ташувчи эҳтиросли қаҳрамон сифатида умумлашади. Сухайл образида В. Васильев қатъият ва баҳодирлик белгиларини таъкидлайди. Спектаклда Тўтиқиз (Р. Муратова) билан Одил (С. Бурхонов) дуэти ҳам жозибали чиққан, Жобир образида (В. Корсунцев) эса маккорлик, мустабидлик намоён. Навдархон саройидаги тўйда халқ рақслари доира усулида ижро этилган.

1971 йилда «Сухайл ва Меҳри» балети асосида «Жонланган шоҳсуратлар» номли фильм-балет (режиссёр Л. Файзиев, оператор М. Краснянский, рассом Н. Раҳимбоев) яратилди.

«Сабъаи сайёр» достонидаги асосий, яъни устки Баҳром билан Дилором ҳақидаги ҳикоят М. Ашрафийнинг 5 парда 7 кўринишли «Дилором» операси учун манба бўлди. Либретто муаллифлари К. Яшин ва М. Муҳамедова ўша даврда ҳукмрон бўлган синфийлик ақидасидан келиб чиқиб, А. Навоийга бирмунча эркин ёндошганлар: шоҳ Баҳромни ғўзалликни чуқур идрок этувчи, қадрига етувчи, Дилором ишқида ўртанган ошиқ қилиб кўрсатишни истамаганлар, бунинг ўрнига рассом Монийни асосий қаҳрамонлардан бири даражасига кўтарганлар. Моний билан ғўзал хонанда Дилоромнинг муҳаббатини ўйлаб топганлар, зеро, улар ижтимоий жиҳатдан бир-бирларига муносиб туюлган.

Бундан қатъий назар достоннинг кўпгина умуминсоний ғоялари, бадиий фазилатлари либреттода ўз акси топган. Шу асосда М. Ашрафий мусиқа басталаган. Композитор маҳоратли куйлари, ўзбек халқ мусиқаси оҳангларига таянган ва ғарб мусиқаси қурилиши асосларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, баъзи оммавий саҳналарда араб, ҳинд, форс, тожик халқ куйларини ишга солиб, тингловчи ва томошабин учун ёқимли мусиқа яратган. Унинг ўзагини синфий тенгсизлик, ҳақсизлик туфайли бир-бирига етиша олмаган Моний ва Дилоромнинг лирик мавзулари эгаллаган. Шу мақсадда қомпозитор бир қатор таъсирчан ариялларни ёзган, мусиқада қаҳрамонларнинг бош оҳангларини аниқ белгилаган. А. Навоий тасвирича, Дилором чанг чалиб (қўлда ушлаб бармоқлар билан торларни териб чалинадиган чолғу), ашула айтган. Шуни ҳисобга олган композитор арфаларни ишга солади. Гуруҳлар, омманинг қайфияти, воқеаларга муносабатини ифода қилувчи бир қатор хорлар, рақс куйлари яратилган. «Правда» рўзномаси ёзган эди: «Опера мусиқаси — оҳангдор, ўз таркибига кўра миллий, тингловчиларнинг эътиборини тортади... Ундаги мусиқий ҳаракатнинг яхлитлиги, партитурасининг пухта ўйланганлиги, драматиклик ўзига жалб қилади. Дилором ва Моний образлари энг муҳим жиҳатларда ишонарли берилган. Уларнинг ҳис-туйғулари бир қатор чиройли ариялларда тараннум этилади. Операнинг мусиқий тили мураккаб эмас, унинг негизида симфонизм усуллари билан ривожлантирилган халқ ашулачилиги ётади. Оммавий саҳналар томошавийлиги, ёрқинлиги билан қизиқарлидир» (1959 й., 17 февраль).

«Дилором» операси А. Навоий номидаги опера ва балет театри саҳнасида илк бор 1958 йил 5 февралда кўрсатилган. Режиссёр Э. И. Юнгвальд—Хилькевич, рассом М. Мусаев саҳналаштиришган, М. Ашрафийнинг ўзи дирижёрлик қилган. Спектакль кўпчиликка маҳоратли мусиқий-саҳнавий томоша сифатида манзур бўлади. Маҳлиё қилувчи хилма-хил манзаралар, либослар, гоҳ тошқин, гоҳ майин оркестр куйлари, авжли ажойиб ариялар, хор иштирокидаги оммавий саҳналар, бири биридан ғўзал умумий ва якка рақслар — булар ҳаммаси ўзаро чатишиб, яхлит бир афсонадай дунёни ҳосил қилган ва томошабинларда кучли таассурот уйғотган.

Бош қаҳрамонлар ролларида Саодат Қобулова (Дилором) билан Саттор Ярашев (Моний) катта муваффақият қозонадилар. Хусусан, Дилором тимсоли С. Қобулова ижодининг чўққиси бўлди. Образ устида актриса қунт билан, астойдил ишлаб, натижада чўри бўлса-да, ғурури баланд, ғўзаллик ва нафосат билан йўғрилган, ўз жозибаси ва ширин овози билан шоҳларни ҳам лол қолдирувчи ғўзал қиз сиймоси майдонга келади.

Ижтимоий мавқеига кўра, Дилором очиқ ҳатти-ҳаракатлардан маҳрум. Шу боис актриса бутун кучини, маҳоратини ариялларда намоён қилади: ошиқлиги ҳам, орзу-хаёллари ҳам, аламмизтироблари ҳам, исёни ҳам овозининг ранг-баранг товланишлари орқали зоҳир бўлади. С. Ярашев ҳам Монийнинг лирик кечинмаларини яхши ифода қилган, шу билан бирга ўз қаҳрамонини фаол, дадил қилиб гавдалантирган.

Ижрочилардан К. Зокиров (Шоҳ Баҳром), Н. Ҳошимов (вазир Нўъмон), Ж. Низомхўжаев (Ардашер), А. Азимов (Улуғхўжа)нинг ҳам «Дилором» операсининг саҳнавий талқинида ҳиссаси бор.

Драматург Ҳайдар Муҳаммад «Сабъаи сайёр»ни болаларга атаб соддалаштириб инсценировка қилди. Инсценировка 1991 йилда Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйи муносабати билан Ҳамза номидаги академик драма театрида саҳналаштирилди. Ёш томошабинлар шу баҳона бобокалон шоир, буюк даҳонинг ўлмас ғоялари ва тимсолларидан баҳраманд бўлдилар, маънаи бойидилар.

Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги ёш ижодий жамоа бўлмиш «Тановар» этнографик рақс ансамбли ҳам Алишер Навоийнинг юбилейига атаб «Сабъаи сайёр» достони асосида «Севги нидоси» рақс спектаклини яратди. Шоир ва драматург Машраб Бобоев либреттосига бастакор Қаҳрамон Комилов мусиқа басталади, рақсшунос Юлдуз Исматова саҳналаштирди. Саҳналаштирувчилар ўз олдиларига Алишер Навоийни таҳрир қилмай, тузатмай, достоннинг асл матнига таяниб туриб, ўзига хос миллий балет яратиш вазифасини қўйдилар. Афсонавий шоҳ Баҳром билан ўшандай афсонавий хонанда, ғўзаллик тимсоли Дилоромнинг изтиробли, оташин, буюк муҳаббати тараннум этилади.

Камина мазкур томошанинг режасидан тортиб телевизион, саҳнавий ва видеофильм нусҳаларининг яратилишигача огоҳ бўлиб, неча бор кўриб, фикр ва таклифлар бериб келган эканман, мени ишбошн Юлдуз Исматованинг Алишер Навоий ижодини тўғри тушуниб, саҳнада гавдалантириш йўлида олиб борган изланишларига, топқирлигига, ижодкорлигига қойил қолганман. Қўл остидаги 17 нафар қиз ва 2 йигитдан тўлатўкис фойдаланиб, буюк муҳаббат саргузаштларидан ҳикоя қилувчи каттакон томоша яратди. Томошабинларда гўё саҳнада юзлаб кишилар ҳаракат қилаётгандай тасаввур ҳосил бўлади. Раққосалар либосларини алмаштириб, шу қадар тез бошқа воқеа, тимсол ва ҳолатларга кирадиларки, бунга нақадар катта меҳнат эвазига эришилганини тушуниш қийин эмас. Саҳнада ўнлаб якка ва умумий рақслар, воқеабанд ўйинлар, ошиқларнинг бир-бирига талпинишларини ифода қилувчи манзаралар яратилган, мириқиб томоша қиласан, киши.

«Севги нидоси» Муқимий номидаги театр саҳнасида жуда таъсирли ўйнаяди. Аммо унинг теленусҳасини ва видеофильмини (режиссёр Ҳ. Қаҳрамонов) жонли ижро даражасида чиқди деб бўлмайди. Афсуски, жамоа ўз спектаклини томошабинлар олдида кам ижро этди.

Хулоса шуки, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони саҳна санъатининг турли воситалари билан ёритилган бўлса-да, бу соҳадаги жиддий ижод эндиэнди бошланди, деб айтиш мумкин. Ҳали олдинда қиладиган ишлар бисёр. Етти мусофирдан биттасининг ҳикоятигина саҳна юзини кўрган. У ҳам бўлса балет шаклида, холос. Қолган етти мусофирнинг ҳикояси навбат кутиб турибди. Назаримда, мазкур достон асосида ўзича бадиий мустақил, шу билан бирга мазмунан бир-бирига пайванд саккизта спектакль яратса ва уларни кетма-кет томошабинга ҳавола этса бўлади. Албатта, бу осон иш эмас. Мана шундай бўлғуси талқинларда асосан Навоийга, достон матнига маҳкам таяниш ўта муҳим. Ўшанда ҳам саҳна ижодкорлари, ҳам томошабинлар азиз ва мўътабар бобокалонимиз бадиий-маънавий оламидан чинакам баҳра олиши мумкин.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик доктори, профессор.

ИБРАТЛИ ИЖОДНИНГ ЯНА БИР ҚИРРАСИ

XV асрнинг 30-90-йилларида яшаб ўтган тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкират-уш-шуаро» («Шоирлар ҳақида рисола»)сида Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳақида шундай ёзади:

«...Бу улуғ амир дину давлат ҳомийси, шариат ва миллатнинг пушти паноҳидир...

...«Мир Алишер ўзининг холис мулкини ва ҳалол бойлигини худо йўлига сарфлаб, мамлакатда мадрасалар, масжидлар, работлар, хайрли жойлар ва дор-уш-шифо (касалхона) қуришга ҳаржлади...

Агар улуғ амир қилган хайрли ишларни бирма-бир ҳисобланадиган бўлса, қисса чўзилиб кетади. Фақат пойтахт Ҳиротда ... қурилган машҳур манзилларидан айримларинигина қисқача келтирмоқчимиз. Аввало, Ҳиротдаги жомеъ масжиди, мадраса, хонақо, дор-уш-шифо, ҳаммом сингари иморатлардирки, уларнинг ҳаммаси... Инжил ариғи ёқасидадир... (Навоийнинг) яна бир иморати Работи Ишқдир..., яна бир бошқаси Работи Сангбаст(дир)... Маърифатли саййид Қосим Анвар жанобларн ҳамда шайх Фарндиддин Аттор... қабрига қурилаётган иморатлардир..».

Ушбу қисқартирилган кўчирмани келтиришимдан мақсад, Низомиддин Амир Алишер Навоий ўз замондошларига ва ўзидан кейинги авлодларга фақатгина ўзбек адабий тилининг асосчиси сифатида эмас, балки халқ фаровонлиги, юрт ободончилиги йўлида катта ишларни амалга оширган ажойиб давлат арбоби сифатида ҳам намуна бўлганлигини эслатиб ўтишдир. Бунга эса Ҳазрат Навоийнинг ўз ижодидан бизга ёд бўлиб кетган битта байтни ҳам илова қилсам:

Одами эрсанг демагил одами
Ониким, йўқ эрур халқ ғамидин ғами!

Афсуски, биз мактаб, олий таълим даргоҳларида Навоий ҳаётининг давлат арбоби сифатидаги фаолиятини икки оғиз сўз билан тугатиб қўяқолар эдик.

Собиқ тузумимиз даврида Алишер Навоий ижодиётининг яна бир қирраси — форс-тожик тилларида қилган меҳнат самараларини ҳам шунчаки варақлаб ўтиб кетганмиз. Ваҳоланки, улуғ амир ижодининг бу қирраси Бадриддин Ҳилолий, Абулқосим Бедил, Сайидо Насафий каби форс-тожик адабиётининг йирик классиклари учун ўзига хос мактаб бўлган.

Бу ҳақда минг афсуски, ўзбек адабиёти тарихига оид бирорта китоб (қўлланма)да айтилмаганди. Лекин кейинги 3-4 йил давомида бундай ноҳолисликларга барҳам берила бошланди. Тарихга, миллий қадриятларга ижобий ёндоша бошладик. Айниқса, Президентимиз И. А. Каримов ташаббуслари билан 1991 йил — Алишер Навоий йили, деб эълон қилиниши, у зотга муҳташам ёдгорлик ўрнатилиши бизга куч-ғайрат бағишлади.

Навоийнинг форс-тожик тилидаги Фоний тахаллуси билан битилган ижодий меросини ўрганар эканман, у туркий (ўзбек) тилида қандай маҳорат билан қалам тебратган бўлса, форс-тожик тилида ҳам шундай салоҳият билан ижод қилганлигига амин бўлдим. Туркий (ўзбекча) шеърларида ўхшатиш, ишора, образ танлаш каби маҳоратларни қанчалар юксак даражада адо этган бўлса, форс-тожик тилидаги шеърларида ҳам бу қобилиятни энг юқори чўққига чиқара олган. Масалан, туркий (ўзбекча) бир байт:

«Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонға тушти ўт,
Иўқ шафақким, бир қироқдин осмонға тушти ўт...»

Форс-тожик тилидаги байт:

«...Он турра ба гўшти ту сухан гўйаду абрў
Ҳам баҳри шуҳидан зи камин холи жабин аст...»

Таржимаси:

Гажагинг сўз айтса қулоғингга,
Эшитмоқ бўлиб қошинг (эгилади),
Пешонанг пистирмадан пойлайди.

Навоий ижодидаги Туркий (ўзбекча) ғазаллар кўпчиликка маълум. Холис баҳони ўзбек китобхони берсин. Мен улуғ бобомизнинг форс-тожик тилидаги ғазаллари ҳақида бироз тўхталмоқчиман.

Ҳазрат Навоийнинг форс-тожик тилидаги «Девон-э Фоний» тўпламини ўрганар эканман, бобомиз ўзининг бу борадаги ижодида форс-тожик халқлари мумтоз адабиёти анъаналарига қатъиқ амал қилганлигига амин бўлдим. Маълумки, форс-тожик мумтоз адабиёти намоёндалари Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Умар Ҳайём ижодиётида асосий мавзу — муҳаббат мавзусидир. Ғўзал маъшуқа, фидойи ошиқ образлари май, чолғу, ҳижрон туни, висол умиди каби ишқий лаҳзаларга хос нарсалар орасида берилади. Хоҳ Ҳофиз, хоҳ Саъдий ғазалиётини, хоҳ Ҳайём рубоётини оладиган бўлсак, ишқий мавзудаги мисралар ўзига хос, фалсафий мушоҳадалар эса ўзига хос талқин этилади. Асосан ошиқлик дарди — мастликка, ошиқ эса майхўрга қиёсланади. Алишер Навоийнинг «Девон-э Фоний» тўпламидан ўрин олган ишқий ғазаллари ҳам ана шу анъана мезонида юзага келган.

Базм, майхона, соқий, жом, муғбача, дайр пири, муғ каби нисбий тушунчалар бечора ошиқ ҳолатини баён қилишда кенг қўлланилган, деярли ҳар бир ғазалда учрайди. Ёр остонаси, ўзгалар базми ибораларини ҳам жуда фаол иборалар сирасига киритиш мумкин. Энди ХАЛҚ ва ОШИҚ образлари ҳақидаги айрим ўзбек совет — «машойих»ларининг юқоридаги фикрига келсак, ишқий ғазалларнинг ХАЛҚ, ЗАМОНА билан боғлиқ байтларида халқ — маломатгўй, замона — бевафо, чарх эса кажрафтордир. Бундай талқин ишқий мавзудаги барча даврда битилган шеърларга хос бўлиб, Навоий ижодиётида ҳам табиий бир ҳол сифатида қўлланилган.

Қуйида эса, Алишер Навоийнинг форс тилидаги бир ғазалини ўзбек тилига ўгириб, ҳурматли муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқчиман.

ҒАЗАЛ

Ул ой ҳажрида чеккумдир нола-ю оҳ-фиғон ҳар кеч
Магар бўйлар эсам нолам етур то осмон ҳар кеч.

Ўшал навраста ишқида кезар бўлсам кўча, э воҳ,
Бу кекса нотавонгаки, етар мингдаб знён ҳар кеч.

Нигорим ўз уйиға йўл олар чоғи шоҳ базмидин
Кўрай деб бир кутарман йўлки, бирбурчак макон ҳар кеч.

Маним дардим удир ёлғиз, уннинг дарди — ўз дилбари,
Ман ундан пиҳону у ҳам ниҳон мендан, ниҳон ҳар кеч.

Сенинг базмнинг улуғларга, хонанг тўри мудом банддир,
Умидим:бошимқўйсам манга бас остон ҳар кеч.

Унинг кўйида минг-минглаб бало ётгайдир, эй Фоний,
Сира борма, магар қилмас эсанг тарк бошу жон ҳар кеч.

Дилмурод САИДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
№ 18 (10.444).
1993 йил 11 февраль пайшанба
Нархи 5 сўм.
Зетаси
СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОҲИБ

АҲБОРОТ—ТАРҒИБОТ САҲИФАСИ

В. ЛОЗИЦКИЙ, вилоят давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғи:

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг барча регионлари қатори Тошкент вилоятида ҳам давлат мулкини хусусийлаштириш йўлига ўтилди. Хусусийлаштиришнинг маъноси, мақсади ва у нима учун зарурат бўлиб қолганлиги кўпчиликни қизиқтирса керак.

Аввало шуни айтиш керакки, хусусийлаштириш бу фақат мақсад бўлиб қолмай, ҳозирги вақтда заруратга айланди. Бундан мақсад халқ хўжалигида давлатнинг яккаҳокимлигини бартараф этишдир. Иқтисодий ислоҳотлар худди шундан бошланиши лозим.

Жаҳон амалиёти мулкчиликнинг турли шакллари бўлиши лозимлигидан далолат беради. Яккаҳокимлик эмас, балки мулкчилик турли шаклларининг ўзаро муносабати фаровонликка эришишнинг асосий йўли ҳисоблаиади.

Ҳозирги вақтга келиб давлат хўжалик алоқаларининг ўзаро муносабатини ҳамда кўп сонли корхоналарни барча зарур хом ашё, маҳсулотлар ва материаллар билан таъминлашнинг уддасидан чиқолмай қолди. Шунинг учун ҳам хусусийлаштириш амалдаги қонунчилик доираларида ҳар бир жамоанинг иқтисодий чиқиши учун энг мақбул йўл бўлиб қолди. Ҳар бир жамоа бунинг учун ўзига мос ва мақбул йўлни белгилайди.

Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, хусусийлаштиришнинг ўзигина хўжалик юритиш самарадорлиги ошишига олиб келмайди, бунда бозор тизими асосий роль ўйнайди. Унинг эса ҳаракатлантирувчи кучи ўзаро рақобатдир. Хусусийлаштириш эса фақат рақобатлашиш муҳити, умуман, бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Тубдан иқтисодий ўзгаришларнинг занжирини қуйидагича таърифлаш мумкин: давлат мулки бўлган жойлар хусусийлаштирилади — бозор ташкилотлари шакллана — рақобат қилиш муҳити ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, у эса халқнинг турмуш даражасини ўстиришга олиб келади. Кейинги иккита бўғин иқтисодий ислоҳотнинг мақсадидир. Бундай ёндошув хусусийлаштиришни бирваракайнга, ҳайбаракаллачилик билан ўтказишни инкор этади. Уни оғишмасдан, айни вақтда шошқалоқлик қилмасдан, ҳамма имкониятлар ва муаммоларни ҳисобга олиб, чуқур таҳлил қилиш ва синчковлик билан тайёрланиб, амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрда қабул қилган 443-сонли «Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш бўйича чоралар тўғрисида»ги қарори вилоятимизда бу тармоқлар корхоналарида мулк шаклини ўзгартириш ва уларни давлат тасарруфидан чиқариш бўйича кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш учун имкониятлар очиб беради.

Қуйида шу қарор асосида корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш вақтида вужудга келадиган кўпдан-кўп саволлар ва уларга амалдаги қонунчилик ҳужжатларини ҳисобга олиб берилган жавоблар баён этилмоқда.

• Сўровларингизга жавоблар

Савол: Хусусийлаштириш нима демакдир?

Жавоб: Фуқаролар, акционерлик жамиятлари (ўртоқликлари) томонидан давлатдан ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидан корхоналар, бу корхоналарнинг алоҳида корхона қилиб ажратилувчи тузилма бўлинмалари — бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, лицензиялар, патентлар, тугатилаётган корхоналар ва уларнинг бўлинмаларига тегишли бошқа моддий ва номоддий мулклар, шунингдек акционерлик жамиятларининг давлатга тегишли акциялари (пайлари), бошқа хўжалик жамиятлари ва ўртоқликларини хусусий мулк қилиб сотиб олинишини хусусийлаштириш деб тушунмоқ зарур. Бошқача қилиб айтганда. хусусийлаштириш — бу давлат мулкини мулкчиликнинг нодавлат шаклларига айтантиришдир.

Савол: Хусусийлаштиришдан нимага эга бўлиш мумкин?

Жавоб: Шуни аниқ тасаввур қилиш керакки, хусусийлаштириш таваккалчилик билан боғлиқдир. Чунки у яхши дивиденд (фойдадан фоизлар) келтириши мумкин. Агар сиз ўз маблағларингизни серталаб бўлган моллар тайёрлаб яхши фойда кўрувчи ишлаб чиқаришга сарфласангиз шундай бўлади. Агар сиз ўз маблағларингизни эскирган асбоб-ускуналар, нозамонавий технологияга эга бўлган, бунинг оқибатида бозори чаққон бўлмаган маҳсулот тайёрловчи, зарар кўриб ишлайдиган корхонага қўшсангиз, бундай вақтда кўрилаётган зарарлар янада кўпайибгина қолмай, айни вақтда шу корхона билан бирга синишингиз мумкин.

Савол: Корхонани хусусийлаштиришга қарор қилган жамоа ишни нимадан бошлаши керак?

Жавоб: Аввало, бу корхона хусусийлаштирилмайдиган давлат корхоналари ва мулк турлари рўйхатига киришкирмаслигини аниқлаш лозим. Бу рўйхат Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашига кўриб чиқиш учун киритилган ва унинг 1992 йил 2 июлдаги қарори билан тасдиқланган.

Ушбу рўйхат билан вилоят давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармасида танишиш мумкин. Бошқарманинг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси 51-уй (вилоят ҳокимлиги биноси).

Савол: Корхонани хусусийлаштириш бўйича ташаббус кимдан чиқиши мумкин?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги «Давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, фуқаролар, нодавлат ҳуқуқий шахслари, меҳнат жамоалари, давлат мулки бўлган жойлар эгалари (Давлатмулк қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари) корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ташаббуси билан чиқишлари мумкин.

Савол: Хусусийлаштириш учун талабнома қандай тузилади?

Жавоб: Қиймати 1 миллион сўмликка бўлган корхоналарни хусусийлаштириш учун талабномалар хусусийлаштириш бўйича шаҳар (район) бошқармаси (бўлими)га берилади; 1 миллион сўмликдан 5 миллион сўмликкача бўлган корхоналарни хусусийлаштириш учун талабномалар вилоят давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармасига, қиймати 5 миллион сўмликдан ошиқ бўлганлари учун талабномалар Ўзбекистон Республикасининг Давлатмулк қўмитасига берилади. Белгиланган шакл бўйича берилган талабномалар талабнома берувчи томонидан махсус йиғувлар тўланганги ҳамда талабномага албатта илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар қўшиб берилганда рўйхатдан ўтказилади. Жисмоний шахс учун махсус йиғув миқдори 1000 сўм, ҳуқуқий шахс учун 5 минг сўм, чет эллик харидорлар учун тегишлича 50 доллар ва 100 доллардир.

Меҳнат жамоасининг талабномаси корхона меҳнат жамоасининг ками билан учдан икки қисми имзоси бўлгандагина кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Савол: Ижара корхонасининг тузилма бўлинмаси бўлган цех меҳнат жамоаси ўз бўлинмаси мулкини хусусийлаштириш учун алоҳида талабнома бериши мумкинми?

Жавоб: Йўқ, мумкин эмас. Ижарага бериладиган мулкнинг таркиби ва қиймати, ижара муддатлари ва ижарага олувчининг бошқа ҳуқуқлари ижара шартномаси билан мустаҳкамланган. Шартнома шартларини ўзгартириш (масалан, тузилма бўлинмасининг мулкини ажратиш ва хусусийлаштириш) фақат ижарачининг, корхона устави бўйича олий бошқарув органиининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Савол: Талабнома берувчи томонидан махсус йиғув тўланганлиги тўғрисида далолат берувчи ҳужжат қандай кўринишда бўлиши мумкин?

Жавоб: Ҳар қандай тўлов ҳужжати (почта орқали жўнатиш, нақд маблағларни банкка берилганлиги тўғрисидаги ариза, банкка берилган тўлов қоғози, жамғарма банкининг квитанцияси) тўлов мақсадлари ва хусусийлаштириш ва давлат мулкини бошқариш бўйича тегишли бошқарманинг (вилоят, шаҳар, район) ҳисоб-китоб ҳисоби кўрсатилган кўчирмаси талабнома берувчи махсус йиғувни тўлаганлиги ҳақида далолат берувчи ҳужжат бўлади.

Савол: Корхона маъмурияти меҳнат жамоасининг розилигисиз корхонани хусусийлаштириш режасини қабул қилиши мумкинми?

Жавоб: Хусусийлаштириш бўйича тегишли бошқарма. томонидан тузилган хусусийлаштириш комиссияси хусусийлаштириш режасини (хусусийлаштириш усуллари ва тўловлар шаклларини) меҳнат жамоаси билан келишишга мажбурдир. Ушбу масала бўйича маъмурият фикри ҳал қилувчи бўла олмайди. Меҳнат жамоасининг розилиги меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) қарори билан устав ҳужжатлари билан албатта танишиб расмийлаштирилади. Қонунчилик бўйича меҳнат жамоаси корхонани хусусийлаштиришнинг у ёки бу йўлини қабул қилишда ҳал қилувчи ролга эгадир.

Агар меҳнат жамоаси хусусийлаштиришнинг таклиф этилаётган йўлига рози бўлмаса маъмурият билан параллел равишда хусусийлаштириш учун алоҳида талабнома тақдим этиши мумкин. Бундай ҳолда хусусийлаштириш бўйича комиссия иккала талабномани кўриб чиқишга мажбурдир.

Савол: Фуқаролар ва меҳнат жамоаси қандай ҳолларда корхонани хусусийлаштиришдан воз кечишлари мумкин?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ қуйидаги ҳолларда давлат корхонасини хусусийлаштиришдан воз кечиш мумкин:

— агар корхона давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар рўйхатига киритилган бўлса;

— ушбу корхона тури учун давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг назарда тутилган ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаган бўлса;

— агар қонунчиликда назарда тутилган ва воз кечиш учун бошқа асослар мавжуд бўлса: масалан, ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланиш ман этилган шахслар давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган жойларни харид қилишлари мумкин эмас.

Буида давлат мулки бўлган жойларнинг эгаси воз кечишни асослаш билан бирга давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш амалга оширилиши мумкин бўлган шартлар ва муддатларни кўрсатиши лозим.

Савол: Тегишли органлар корхонани хусусийлаштириш тўғрисида ижобий қарор қабул қилган ҳолларда бундан кейинги шартлар қандай бўлиши керак?

Жавоб: Тегишли орган корхонани хусуснйлаштириш тўғрисидаги талабнома бўйича ижобий қарор қабул қилган ҳолда тегишли ташкилот хусусийлаштириш бўйича комиссия тузади ва бу комиссия хусусийлаштириш режасини тайёрлаш муддатини белгилайди.

Комиссия таркибига Давлатмулк қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси, корхона маъмурияти, меҳнат жамоаси, унинг касаба уюшмаси ёки бошқа жамоат ташкилотлари, молия органлари, банк, ҳокимлик вакиллари, бошқа мутахассислар киради. Комиссия раиси фақат Давлатмулк қўмитаси тегишли органининг Давлатмулк қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан тайинланган ходими бўла олади.

Комиссия ишнинг айрим йўналишлари бўйича экспертларни, аудитор, маслаҳат берувчи ва бошқа ташкилотларни жалб қилиши мумкин.

Савол: Хусусийлаштириш режаси қандай бўладн ва у ким томонидан тасдиқланади?

Жавоб: Хусусийлаштириш режаси хусусийлаштириш усуллари ва муддатларини, корхонанинг бошланғич нархини, сақлаб қолиниши назарда тутилган корхонани қайта ташкил этиш лойиҳасини, лозим бўлган ҳолларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура жойларининг мавжуд тартиби ва фойдаланиш шартларини, тавсия этиладиган ҳисоб-китоб шакллари ва муддатлари, имтиёзлар берилиши мумкинлигини, шу жумладан хусусийлаштирилаётган мулкнинг бир қисмини текинга беришни белгилайди.

Шунингдек, корхонани хусусийлаштириш режаси таркибига уни қайта ташкил этиш, чунончи унинг бўлинмаларини мустақил корхоналарга (уларнинг устав сармояларини белгилаб) ажратишни назарда тутган корхона активлари ёки уларнинг бир қисмини сотиш ҳам кириши мумкин.

Комиссия хусусийлаштириш бўйича ишлаб чиққан режасини ўзини ташкил этган органга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Савол: Агар меҳнат жамоаси хусусийлаштириш бўйича комиссия томонидан тузилган режага рози бўлмаса қандай ҳаракат қилиш мумкин?

Жавоб: Агар комиссия томонидан тузилган хусусийлаштириш бўйича режа у ёки бу масалалар бўйича меҳнат жамоасига маъқул бўлмаса жамоа уни иккор этиш ҳуқуқига эгадир. Бундай ҳолда комиссия меҳнат жамоасининг фикрига қулоқ солади ва режанинг бошқа вариантини таклиф этади. Агар комиссия меҳнат жамоасининг мулоҳазаларини ҳисобга олмаса ва режани қайта ишлаб чиқмаса бундай вақтда меҳнат жамоаси бу масала бўйича Давлатмулк қўмитаси ёки унинг хусусийлаштириш режасини тасдиқлайдиган органига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Савол: Корхона балансида бўлган ижтимоий соҳа жойларини ва объектларини ким ва қандай шартлар асосида қабул қилиши мумкин?

Жавоб: Корхона балансидаги ижтимоий соҳа жойларини ва объектларини давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармасининг ёки унинг ҳудудий бошқармасининг розилиги билан ва давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармасининг ёки унинг ҳудудий бошқармасининг ҳисобидаги ҳисобдан ажратилган ҳисобдан ажратилган ҳисобдан ажратилган

Алишер Н

«Олам Ёр ўлинг

Қадимги Шарқ миниатюраси услубида маҳорат билан яратилган Ҳусайн Байқаро сиймоси не-не тўфонлардан ўтиб, қўлимизга теккан. Бу тасвирга Байқаро нигоҳи тушган десак мубоғалаға бўлмас. Чунки бу суратни Навоий таклифи асосида рассом чизган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Не бўлганда ҳам бизга беш аср қаъридан Байқаронинг ҳаётлигида яратилган сиймоси етиб келган.

Асарга назар ташлаймиз. Унда чўкка тушиб ўтирган, нигоҳлари ўткир, шоҳона либосларга бурканган Ҳусайн Байқаро сиймоси қайтарилмас бўёқларда тасвирланган. Дарвоқе, бу сиймога кўз югуртириб, ҳаёлимиздан қуйидагилар ўтди.

Хуросонда 1469 йилда қарор топган Ҳусайн Байқаро ҳокимияти Темурийлар авлодининг мустаҳкам ва обрўли давлатларидан бўлди. Унинг чегаралари Шарқда Балх, ғарбда Бистон ва Домғон, шимолн — Хоразм, жа-

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА СЎЗ

Алишер Навоий номли Давлат адабиёт музейида шундай кўргазмалар мавжудки, улар султон Ҳусайн Байқаро ҳақида бой маълумотлар беради. Зеро, ушбу ҳикоямиз ана шу йирик давлат арбоби ва шоир билан Алишер Навоий ўртасидаги эллик олти йиллик ҳақиқий дўстлик хусусида боради. Бироқ, ҳозирча кичик бир лирик чекиниш қилсак.

Йирик илмий анжуманлардан бирида устозимиз— Ўзбекистон байтул-ҳикматининг мухбир аъзоси, таниқли навоийшунос олим Азизхон Қаюмов қизиқ ва эътиборли бир фикрни баён қилдилар:

«Алишер Навоий билан Ҳусайн Байқаронинг дўстлиги ёшликдан, то умрларининг охиригача давом этган. Бу дўстлик беғараз, самимий бўлган. Улар ўртасида дўстликка раҳна соладиган жиддий муносабатлар рўй бермаган. Ишончли манбалар шундан далолат беради. Масалан, Алишер Навоийнинг туркийда битган шеърий қирқ икки минг беш юз ва «Хамса»ни ташкил этувчи эллик бир минг икки юз ўттиз мисрадаги бирон бир сатрида Ҳусайн Байқарони ёмонлаб ёзилган жой йўқ. Лекин айрим манба ва бадиий асарларда бу дўстликка путур етказувчи воқеалар келтирилади. Шундай ҳолларда биз кўпроқ ижодий фаразга эмас, балки соф илмий кузатишлар ва изланишларга суянмоғимиз лозим».

Ҳазрат Навоийнинг «Вақфийя» асарида ёзишича, у Ҳусайн Байқаро хизматида ва шоирнинг отаси Байқаронинг отаси хизматида бўлганлар. Бу оилавий яқинлик улардан олдинроқ давом этганлигига ҳам ишора бор. Демак, узоқ тарихлик оилавий яқинлик Алишер билан Ҳусайнни[illegible]ликдан бирга [illegible]бат билан ўз билимла[illegible]ни [illegible]нсоф эшикла[illegible]

Мактабдош талабалар орасида шеър ва нафосатни тўғри идрок эта олдиган Ҳусайн Алишерни ўзига жуда яқин тутар эди. Улар дарсларни бирга тайёрлашар, ўқиган китобларини муҳокама қилиб, доим бирга юрар эдилар. Кўп фурсат ўтмай улар қалин дўст бўлиб қолдилар. Бошқача қилиб айтганда, ёшликдан уларнинг юлдузи юлдузига тўғри келиб қолди. Таъкидлаганимиздек, мактабдан бошланган бу дўстлик бутун умр давом этди.

Алишер мактабда ўқиб юрган чоғларида форс-тожик адабиётининг машҳур намояндалари Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларини қизиқиш билан ўқиб, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини эса бошдан охиригача ёдлаб олди. Бу асар ёш Алишернинг ҳиссиётларига кучли таъсир этиб, ота-онасини ташвишга солди. Ҳатто мактабдошлари унга истеҳзо билан қарай бошладилар. Чунки, Алишернинг қушлар ҳақидаги ҳикоялари болаларда шундай ҳолни юзага келтирган эди. Бу пайтларда Алишернинг ёнини олиб, уларга танбеҳ берган дўсти Ҳусайн эди.

Алишер мактабда ўқиш билан бирга Хожа Юсуф Бурҳондан мусиқа илмини ҳам ўрганди. У ўзининг «Мажолис уннафис» асарида ёзишича ўн-ўн икки ёшларида сабзаворлик кекса шоир Миршоҳий билан хат ёзишиб турган. У жуда эрта, саккиз-тўққиз ёшларидан шеър ёза бошлаган.

Алишер ўн уч-ўн тўрт ёшга етганида отаси Ғиёсиддин Баҳодиржон вафот этади. Етим қолган Алишерни Абулқосим Бобур саройга ишга олади. Саройда ҳам у Ҳусайн билан бирга хизматда бўлади. Айни замонда саҳифасидан маҳв қилиб, адо[illegible]нуби — Қандаҳор ва Сейистондан ташкил топган эди.

Бу даврда Навоий олдида икки йўл: узлатга чекиниш ёки «Бир муносиб йўлбошчи» билан ҳақиқат ва адолат учун курашиш турар эди. Навоий худди шу йўлни танлади. Байқаронинг ҳокимият тепасига чиққанидан хурсанд бўлган Навоий «Ҳилолия» қасидасини ёзади. Айни пайтда, Ҳусайн Байқаро ҳам дўсти Алишер Навоийни саройга келишга ундаб, «давлат маншури» — таклифнома юборади. Шулардан кейин Навоийнинг кўнгли анча тинчиб, олдин ўзида пайдо бўлган, анча вақт уни қийнаган узлатга чекиниш фикридан тамомила воз кечади ва бундан кейинги ҳаётини халқига бағишлайди.

Аввал Байқаро Навоийни муҳрдор, кейинчалик буюк амир этиб тайинлади. У бу вазифада ишлар экан, кўпроқ оддий халқ манфаатларини кўзлаб иш юритади. Халқни таловчи золим амалдорларни жазолайди, турли урушларнинг олдини олади. Халқ учун кўплаб зарур — «Ихлосия», «Ҳалосия», «Шифоия», «Низомия» каби иншоотлар қурдиради. Истеъдодли кишиларни ўз атрофига тўплаб уларга ҳомийлик кўрсатади. Улар орасида Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Султон али Машҳадий, Абдужамил Котиб, Камолиддин Беҳзод ва бошқалар бор эди.

Навоийнинг халқпарвар ва адолатпарварлиги ҳақида Хондамир ўзининг «Макорим ул ахлоқ» асарида шундай ёзган: «Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал»,— деган сўзларга амал қилиб амирлик тахтини ва ҳукумат маснадини ўзининг муборак қадами билан зийнатлади ва жабр-жафо рақамларини даврон саҳифасидан маҳв қилиб, адо[illegible]

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ЁНҒИНЛАР КАМАЙМАЯПТИ

Вилоятимизда содир бўлаётган ёнғин ҳолатлари натижаси анча ташвишланарлидир. Ўтган 1992 йил даномида ёнғин оқибатида 53 миллион, шу жумладан турар-жойларда 31 миллион сўмлик моддий бойликлар кулга айланган. Шунингдек бу офатдан ҳамон кўплаб инсонлар бевақт ўлим топмоқдалар. Йил давомида ёнғин 24 кишининг ёстиғини қуритган бўлса, шундан 7 таси болалардир. 365 киши эса турли даражада куйганлар.

Ҳар ёмон офатнинг зарарли оқибатларини тугатишдан кўра унинг олдини олган минг карра фойдали ва осонлиги — ошкора ҳақиқатдир. Шунга қарамай фуқаро ва мансабдор шахслар давлат ёнғиндан сақлаш назорати кўрсатмаларига панжа орасидан қараб, теран фикр юритишни ўзларига эп кўрмаяптилар.

Хонадонлардаги ёнғин сабабларининг таҳлили шундан далолат берадики, аксарият ҳолларда хўжалик электр асбоблари ва иситиш қурилмалари (754 марта), печ мўриларининг носозлиги (339 марта), чекиш ва маст ҳолатда оловга нисбатан эҳтиётсизлик қилиш (394 марта), болаларнинг гугурт ва бошқа ўт чиқарувчи буюмларни ўйнашлари (699 марта) мудхиш воқеаларни келтириб чиқармоқда.

Вилоятимизда кунига ўндан ортиқ ёнғин содир бўлмоқда. Мисол учун шу йилнинг 8 январида қайд этилган 12 та ёнғиндан 10 таси хонадонларга тўғри келмоқда. Шундан 3 тасига болаларнинг ўйинқароқлиги сабаб бўлса, қолган 7 таси печ мўриларининг нотўғри жойлашганлигидир.

Кўплаб уй эгалари талаб ва қоидаларга риоя қилмай ўзбошимчалик билан вақтинчалик иситиш қурилмалари ва печлар қуриб оладилар. Натижада нотўғри ўрнатилган ва ёнғин хавфсизлигига риоя қилинмаган бу печлар ўт чиқишига ва кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Эҳтиёт чораларини кўриб, қоидаларга риоя этиб, ёқиш ва иситиш асбобларидан тўғри фойдаланилган ҳолдагина ёнғиннинг олдини олиш мумкин. Ана шундагина яқинларингиз ва ўз ҳаётингизни хавф остига қўймайсиз.

В. ЛУКИН,
Тошкент вилояти ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, ички ишлар хизмати полковники.

МУХЛИСЛАРИ ХУРСАНД

ТОШКЕНТДАГИ Бухоро яҳудийлари маданият марказ ўзининг тажриба-намуна театр-студиясига ҳам эга. Талайгина истеъдодларни ўз атрофига уюштирган мазкур санъат аҳли қатор қизиқарли спектакларни саҳналаштириб, ўз муҳлисларини мамнун этди.

Драматург Д. Ниёзовнинг «Мулойим Сильё» деган асари ушбу театр-студия томошалари орасидан ўрин олди. Изланувчан санъаткорлар саҳнага олиб чиққан «Аршин мололан» постановкаси ҳам томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Ҳозир театр-студия яҳудийлар ҳаётидан ёзилган янги спектакль устида қизғин иш олиб бормоқда. Бу саҳна асари «Эстер» деб номланди.

С. ОДИЛОВА.

• *Муаллимлар ҳақида ҳикоялар*

ТАЛАБАЛАРИ — ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР

Мусаллам ўзи раҳбар бўлган 3-«Г» синфида дарс ўтар экан энг фаол, аълочи ўқувчиларидан бири — Гавҳар бироз шашти паст, хомушроқ кўринди.

— Ҳа, Гавҳар қизим, бугун дарс тайёрлай олмадингми?

— Йўқ, опа, бошим оғрияпти.

— Қани,— и-е, иссиғинг бор-ку. Шамоллаганга ўхшайсан. Уйингга бориб ётгин, дўхтир чақиртиринглар.

Муаллима Гавҳарни яқин дугонасига уни уйигача кузатиб қўйишни тайинлади-да, ўзи дарсни давом эттирди...

Шу куни машғулотлар тугаб, уйига қайтар экан, яна ўқувчисини ўйлади. «Иссиғи анча баланд эди, тузалиб қолганмикан?» Уйига келгач, эса дарҳол уларникига телефон қилди. Гавҳарнинг онаси трубкани олгач, қизининг анча тузуклигини айтиб, ўқитувчига миннатдорчилик билдирди. Шундан кейин Мусаллам кўнгли хотиржам бўлиб юмушларига ўтиб кетди.

Ҳар куни шу аҳвол, ишдан кейин ҳатто уйда ҳам ўқувчилари ҳақида, уларнинг феъл-атворлари ҳақида ўйлайди. Чунки болалар унинг жону-дили, уларга меҳр-муҳаббати зўр. Ана шу меҳр туфайли ҳам шарафли, айни пайтда машаққатли касб — ўқитувчиликни танлаган.

... Бир пайтлар ўзи ҳам бугун унинг ўгитларига диққат билан қулоқ тутиб ўтирган мана шу ўқувчилари каби жажжи қизалоқ эди. Ўша пайтда у ҳам табиати юмшоқ, мулойим ўқитувчиси Хатима опага ҳавас қилар, мен ҳам катта бўлсам, устозим каби муаллим бўламан, деб орзу қиларди.

Улғайган сари болалик орзуси қатъий қарорга айланди ва 1970 йил Тошкент муаллимлар олийгоҳига ўқишга кирди. У талабалик йилларида ҳам, ўқишни тугатиб, ўзи ўқиган қадрдон мактабига ишга келганида ҳам устози ўгитларига амал қилиб, кам бўлмади.

Дастлаб, янги иш бошлаган кезлари қийналган пайтларида бир вақтлар ўзини ўқитган муаллимлари — кекса педагоглар Юсуф Шокиров, Хатима Қодирова, Манжуда Абдуллаева, Муҳаббат Расулевалар ёрдамга келдилар, унга йўл-йўриқлар кўрсатиб, маслаҳатларини аямадилар.

Мана бугун эса Мусаллам нафақат районда балки Тошкент шаҳрида ҳам энг тажрибали бошланғич синф ўқитувчиларидан ҳисобланади. Жумҳуриятдаги энг яхши, илғор муаллимлардан ташкил топган «Ўқитувчи—90» агитпоезди иштирокчиси, 1991 йилда эса «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўригида муваффақиятли қатнашиб, районда иккинчи ўринни олди. Уни мактаб жамоаси, касбдошлари фақат ишдаги фаолликлари учун эмас, балки яхши оила бекаси сифатида ҳам ҳурмат қиладилар. Турмуш ўртоғи Қобилжон Аъзамов билан биргаликда бир қиз, тўрт ўғилни тарбияламоқдалар. Онаси касбига меҳр қўйиб, муаллимликни танлаган Ёқутхон келин бўлиб борган хонадонидан ота-онасига фақат раҳмат келтиряпти. Ўғиллари ҳам ота-оналари ишдан келгунга қадар уларнинг оғирини енгил қилиб ҳурсанд қилишга ҳаракат қиладилар. Баъзан ишдан хориб қайтган Мусаллам уйдаги саранжом-саришталикни кўриб кўнгли яйрайди, ўғилларига яна меҳри ортади.

— Ёш бола бамисоли бир ниҳол,— дейди Мусаллам,— Уни қаёққа эгсанг эгилади. Шунинг учун ҳам фарзандларни жуда ёшлигиданоқ меҳнатсевар аҳлоқ-одобли, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялаш керак.

У мактабга илк қадамини қўйган ҳали атрофга ҳайрат ва ҳаяжон билан боқувчи болаларга алифбедан сабоқ бериш билан бирга уларнинг қалбларига эзгулик уруғларини сепишга ҳаракат қилади. Бунинг учун эса ўз устида тинмай изланади, янгиликлар қидиради. Энг муҳими ўқувчиларини дарсга қизиқтира билади. Бунинг учун дарсларини албатта кўргазмали қуроллар билан олиб боради, хушхулқ, одобли болалар ҳақида ҳикоялар топиб уларга ўқиб беради. Ўқитувчи бир жойда қотиб қолмаслиги, ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши керак, деб ҳисоблайди у.

— Мактабимиз нафақат районимизда, балки республикамиздаги энг кекса ўқув даргоҳларидан ҳисобланади,— дейди мактаб директори Шукрулло Икромов.— Биз ҳам таълим-тарбияга замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича ёндошишга ҳаракат қилмоқдамиз. Хусусан, 1992—93 ўқув йилида иқтидорли ўқувчилар синфи ташкил этдик. Бунинг учун ўтган баҳорда бу синфга қабул шартларини эълон қилдик. Ота-оналар берган аризаларга кўра уларнинг фарзандлари босқичма-босқич уч марта синовдан ўтказилди. Ниҳоят район халқ маорифи бўлимидан вакиллар иштирок этган синовлардан ўтган йигирма нафар алоҳида иқтидорли ўқувчилар синфига раҳбарлик М. Аъзамовага топширилди. Мусаллам ҳозир бу ишончни оқламоқда. Бунга унинг ана шу синфда ўтаётган дарсларида қатнашган киши гувоҳ бўлиши мумкин.

Дарҳақиқат, болалар — келажагимиз. Мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши, ривожланиши бугун мактаб парталарида ўтирган ёш авлод таълим-тарбиясига боғлиқ.

Буни чуқур англаган, ана шу йўлда чин дилдан меҳнат қилаётган фидоий, заҳматкаш муаллимларимиз жуда кўп. С. Раҳимов районидаги 24-ўрта мактабнинг биринчи тоифали катта ўқитувчиси Мусаллам Аъзамова ана шулардан бири.

Зулхумор ЖУРАЕВА.

• *Саломатлик масканларида*

УРУШ НОГИРОНЛАРИ МИННАТДОР

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА ташриф буюрган муштарийимиз, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пойтахтлик Маҳмуд Аҳмедов республикамиздаги кўплаб уруш қатнашчилари ва ногиронларининг соғлиқларини тиклашда баҳолн қудрат хизмат қилиб келаётган шифокорлар ҳақида илиқ сўзлар айтдилар.

— Ҳозирда кундан-кунга камайиб бораётган қуролдошларим ҳам фикримни қўллаб-қувватласалар керак,— дейдилар Маҳмуд ака.— Республика Уруш ногиронлари шифохонасида мана неча йиллардирки, жамиятимизда юз бераётган ўзгариш ва иқтисодий қийинчиликларга қарамай, соғлиғини тикламоқчи бўлган уруш кўрган ёшу кекса шу ерда даво топмоқда. Шуни ҳам таъкидлашим керакки, госпиталнинг юксак тиббий хизмат кўрсатиш даргоҳига айланишида, уни зарур дори-дармонлар ва техника асбоб-ускуналар билан доимий таъминланиб туришида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. Ризаевнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Касалхона «Улуғ Ватан уруши ногиронлари госпитали» дея номлангани билан, бу ерда шунингдек, Афғон уруши ногиронлари, Чернобиль фожиаси оқибатларини тугатиш қатнашчилари, армия хизматида жароҳатланган собиқ аскарларга ҳам хизмат кўрсатилар экан.

— Шифохонамиз 1980 йили ишга туширилган бўлиб, ўша вақтда 200 ўринли эди,— дейди биз билан суҳбатда касалхона бош шифокори Эргаш Қурбонов. Ҳозирда 6 та бўлимимизга 540 кишини жойлаштира оламиз. Юрак қон-томир, ички, асаб ҳасталиклари бўлимларимиз анча йирик ҳисобланади.

Даволаш корпуслари батамом таъмирланган, хоналар янги мебеллар, керакли жиҳозлар билан тўла таъминланган. Шифокорларимизга келсак, уларнинг 90 фоизи олий ва биринчи даражага эга бўлиш билан бирга беморларнинг кўнглига йўл топа оладиган хусусиятга ҳам эгадирлар.

Ҳа, дарҳақиқат бу ердаги ёруғ, иссиққина икки ва уч ўринли хоналар қандайдир файзли ва шинам эди. Янги қабул қилинажак беморлар аввало яқинда очилган функционал кабинетдан ўтадилар.

Айниқса, замонавий, техник анжомлар, ускуналар билан жиҳозланган физиотерапия бўлимида беморлар ёшларига қараб, массаж, электронур ёрдамида ва ингалация каби усулларда даволанадилар. Игнасанчиш йўли, яъни игларефлексотерапия — бўлимдаги янгиликлардан биридир.

Сўнгги йилларда ишга туширилган реанимация бўлими ходимлари Жалолиддин Миралиев бошчилигида кўплаб оғир беморларнинг ҳаётларини сақлаб қолишда ўз пухта билимлари ва юксак малакаларини намоён этмоқдалар. Шарофат Даминова, Раиса Танивецкая, Эльнура Амирова, Матлаб Қўчқоров, Назира Пўлатова каби шифокорлар, кўплаб ҳамширалар ҳамда бош шифокор Эргаш Қурбонов ҳақида барча беморлар бирдек миннатдорчилик сўзларини изҳор қилдилар.

Ҳозирги даврда бирор нимадан кўнгли тўлган, мамнун инсонларни учратиш қийинлашиб бормоқда. Чунки одамни айниқса, унинг қалби ва жисми шикаста бўлса, кўнглини кўтариш, шароитни ҳисобга олмай ёрдам кўрсатиш, рози қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Аммо бу ерда отахонларнинг даво масканидан ҳурсанд бўлиб гапиришлари, бутун касалхона жамоасига қарата «Барака топишсин» деган сўзларининг ўзи қўли енгил, хушмуомала шифокорларга берилган муносиб баҳодир.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

Суратларда: касалхонанинг 2-ички хасталиклар бўлими мудири Матлаб Қўчқоров (ўртада) шифокор ва беморлар билан суҳбатлашмоқда; бўлим мудири Назира Пўлатова (пастда) шифокор-ординатор Феруза Мирзамуҳамедова билан Обид ака Тўхтаевни тиббий кўрикдан ўтказмоқдалар. Рентген хонаси мудираси Вера Плетнева иш устида. (юқорида).

Д. АҲМАД суратга олган.

Муҳаррир **Н. НАСИМОВ.**

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.

АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.

● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси, 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси 32. Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.

Нашр кўрсаткичи: Г-10. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00. 31379 нусха босилади. 1 2 3 4 5 6